


**Богдоднинг кулаши**

*Муаллиф: Мухаммад Султанов*

**Богдод кўлга олингандан сўнг**

**2-кисм**

Ибн Ал-Алкомийнинг ўлимидан сўнг мўгуллар ўрнига ўглини тайинлашди. Ўгил отасининг хоинлигини давом эттирди ва бу амал унга хам ёмонлик олиб келди, холос. Тез орада хижрий 656 йили ибн Ал-Алкомийнинг ўгли хам вафот этди. Бунинг хеч ажабланарли жойи йўк. Хакикатдан хам, ким-ки дунё амалларига мехр берса, Аллохнинг кахридан кочиб кутула олмайди ва бу дунёда йиккан нарсалари унинг ўзини халокатга учратади. Халифа охиригача шунга интилган ва бу уни халок килган. Биринчи вазир ибн Ал-Алкомий хам шундай килди ва амалига яраша жазо олди. Бу жазо бутун Богдод ахлига бўлди деса хам бўлаверади. Бу хакида Пайгамбаримизнинг соллаллоху алайхи васаллам сўзларини мисол килиб келтириш мумкин. Амр ибн Авф розияллоху анхудан келган хадисда:

**«.... Аллохга касамки, мен сизларга факирлик етишидан кўркмайман, балки дунё сиздан аввалгиларга кенг килинганидек, сизларга хам кенг килинишидан, натижада улар кимўзар ўйнаганидек, сизлар хам кимўзар ўйнашингиздан ва у уларни халок килганидек, сизларни хам халок килишидан кўркаман»**

Богдоднинг фатх килинганлиги хакидаги хабар тез орада мусулмонлар орасида, кейин эса бутун дунёга таркади. Мусулмонлар учун бир неча асрлар давомида энг кудратли бўлиб келган Аббосийлар халифалигининг кулаши сўз билан тарифлаб бўлмайдиган даражадаги каттик зарба эди. Богдод оддий мусулмонлар шахри бўлмаган... Дунёнинг энг катта, уч миллион мусулмон яшовчи, энг олди маданий, илмий марказлари жойлашган шахри хамда мусулмон халифалигининг пойтахти хам эди. Богдоднинг кулашидан кейин нима бўлади? Мусулмонлар ўзларига бу саволни беришар эди. Халифанинг ўлдирилиши ва янги халифа йўклигидан нимани кутиш мумкин? Бу мусулмонлар томонидан бериладиган биринчи саволдан хам дахшатлирок иккинчи савол эди. Халифасиз ва халифаликсиз мусулмонлар учун бутун дунёнинг хеч кандай кадри бўлмаган. Аббосийлар халифалиги кудрати пасайганлигига карамай, хокимияти факат Богдод ва Ирокнинг кичик худудларига таркалишига карамай, халифалик мусулмонлар учун жуда катта ахамиятга эга эди. Шу туфайли халифанинг ўлдирилиши ва халифаликнинг кулаши мусулмонлар учун улкан офат бўлган. Бу саволлардан ташкари Богдод фатхидан сўнг мусулмонлар орасида кўплаб миш-мишлар таркаган бўлиб, айримлар факат шу хакида гапирган. Хар даврда бўлганидек, миш-мишлар канчалик гаройиб бўлса, унга шунча кўп одамлар ишонади. Энг кўп мухокама килинган миш-мишлардан бири – бу мўгуллар боскини ва халифаликнинг кулаши охиратнинг якинлашганлиги хакидаги аломатдир деган гап эди. Богдод кулагач, мусулмон оламининг ахволи шундай бўлган. Христиан оламига келсак, уларнинг барчаси халифаликнинг кулаганидан жуда хурсанд эдилар, чунки бир неча асрлар давомида халифалик уларнинг Якин Шаркдаги фатхларига карши турар эди. Хижрий еттинчи асрда дунёда учта кудратли куч бўлган: ислом дунёси, христиан давлатлари ва мўгуллар. Маълум вокеаларгача мусулмонлар ва насронийлар орасида узок давр урушлар давом этган. Мўгуллар томонидан берилган бу зарба ушбу карама-каршиликда мусулмонларнинг ахволини анча огирлаштиради. Шунинг учун христианларда Миср ва Шомга яна ўз юришларини такрорлаш хохиши уйгонади.

Христианларнинг кувониши учун яна бир сабаб уларнинг хам Богдод фатхида катнашганлигидир. Арманистон патриархи Хулаго ва унинг кўшинига ок фотиха берган ва уларни “муккадас” урушга чорлаган. Шу ерда мўгуллар кўшини билан Гетум I ва антиохиялик Боэмундларнинг кўшини бирлашган. Айни сабабдан мўгуллар биринчи бор христианларга берган вадасининг устидан чикишади. Мўгуллар ва христианлар орасидаги келишувга биноан, Хулаго христианларнинг хеч кайси мазхабларига ва Богдоддаги христианларга тегмаслиги керак бўлган. Хулаго несторианларнинг патриархига кимматбахо совгалар такдим килган. Шунингдек, унга халифаликнинг энг хашаматли саройларидан бири даргох берилиб, Хулаго уни ўзига маслахатчи ва бошкарув кенгаши аъзоси килиб кўйган. Буларнинг бари христинлар мўгулларни Исо алайхиссаломнинг душманларига, яъни мусулмонларга карши Худо жўнатган жазо деб билишига сабаб бўлган. Ва буларни хаммаси бир неча йиллар аввал мўгуллар христианларнинг ўзларини Европада киргин килганларига карамай айтилган. Улар, Европада нималар бўлганини унутишганга ўхшашар эди. Афсуски, бу тарихда содир бўлган ягона вокеа эмас... Андалусиядаги мусулмонларнинг сўнгги шахри Гранаданинг кулашида хам христиан олами шундай байрам килган эди. Агар ушбу икки вокеа – Богдод ва Гренадани фатхи – солиштирилса, биз жуда кўп ўхшашликларни кўрамиз. Тарих бу шахарларда айнан такрорланган деса хам бўлаверади.

*Санжар Кобил таржимаси*